

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

*№ 3 (3) - 2023*

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 3 (3)-2023*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

### **ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодийёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодийёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодири Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod*

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI ..... 9-14

*Шухрат Эргашев*

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ ..... 15-23

*Касимова Шахноза Алишеровна*

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ ..... 24-29

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Файзиева Ширин Шодмоновна*

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ..... 30-35

*Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАР ..... 36-41

*Murodova Nargiza Utkirovna*

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI ..... 42-47

*Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich*

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТО'ЛОВГА ЛАЙОҚАТСИЗЛИГИ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ ..... 48-55

*Temirova Feruza Sagdullayevna*

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -  
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH ..... 56-62

*Sobirova Marhabo Haitovna*

МЕВА-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH  
YO'LLARI ..... 63-67

*Mamajonova Gulasal Oribjon qizi*

KORXONALARIDA ISHLAB CHIQRISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING  
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI ..... 68-77

*Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich*

О'ЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ SAMARADORLIGINI OSHIRISH ..... 78-87

*Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович*

КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ ..... 88-101

*Каржавова Хуршида Абдумаликовна*

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ  
АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ ..... 102-110

*Soliyev Dilmurod Jamolovich*

AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING  
ASOSIDIR ..... 111-119

*Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna*

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH  
MASALALARI ..... 120-130

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Тўраев Шавкат Нишонович*

ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ..... 131-137

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*

TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY ..... 138-143

*Sharipov Dilshod Baxshilloevich*

TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI ..... 144-148

### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Гаппаров Алибек Қаршибоевич*

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ ..... 149-155

*Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quدراتillayevna*

APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND  
AND VISUALLY IMPAIRED ..... 156-161

*Ахмедшина Лилия Рафаэльевна*

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»  
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ ..... 162-166

*Kholmuminova Makhliyo*

DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES ..... 167-171

*Shirinova Yekaterina*

NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI ..... 172-178

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Қутлымуратов Фархад Қалбаевич*

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 179-185

*Kasimov Nodirjon Sodikjonovich*

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY  
XUSUSIYATLARI ..... 186-196

*Урманбаева Ферузахон Саттаровна*

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ..... 197-203

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich*

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ  
KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR  
TAHLILI) ..... 204-210

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA  
TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI ..... 211-217

*Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich*

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA  
TARBIYALASH ..... 218-223

*Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна*

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ  
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ..... 224-229

*Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich*

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISH ..... 230-236

*Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi*

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE  
EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES ..... 237-244

*Yusupov Dilmurod Abdurashidovich*

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER  
TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH ..... 245-254

*Ergashev Omonboy Turgunbayevich*

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA  
PEDAGOGIK ASOSLARI ..... 255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabjanovna</i> THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS .....	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI .....	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i> YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI .....	275-281
<i>Бабахова Гулзиба Зиятбаевна</i> К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА .....	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich</i> KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA .....	290-296
<i>Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ .....	297-301





Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2023. -№ 3 (3).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>

13.00.00 – Педагогика фанлари

**Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна**

Термиз давлат университети, доцент вазифасини бажарувчи  
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
[babaxodjaeva@mail.ru](mailto:babaxodjaeva@mail.ru)

### **ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

**Аннотация.** Мақолада олий таълим педагог кадрларининг инновацион фаолиятига оид масалалар кўриб чиқилган. Педагогик кадрларнинг профессионал фаолиятида кузатиладиган қийинчиликлар ва тўсиқлар, уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида фикр юритилган. Ўқитувчилар фаолиятида вужудга келувчи касбий сўниш ҳодисасининг моҳияти ва сабаблари тавсифланган. Педагог инновацион фаолиятидаги муаммоларнинг психологик моҳиятини очиш, шахснинг инновацион потенциалини фаоллаштириш мақсадига қаратилган махсус психологик-педагогик дастурларнинг аҳамияти илмий асосланган. Олий таълим педагог кадрларининг касбий инновацион фаолиятга психологик тайёрлик даражасини баҳолаш доирасида ўтказилган тадқиқот натижалари тақдим этилган. Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти маваффақиятини таъминлашга қаратилган: ўқитувчи инновацион фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; педагог кадрлари психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг моҳияти, таркиби ва вазифаларини тавсифлаш; педагог кадрлар инновацион фаолиятини психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш моделини ишлаб чиқиш ва асослаш; педагог кадрлар инновацион фаолиятини ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва асослаш; педагог кадрларнинг муваффақиятли инновацион фаолиятини таъминловчи воситалар мажмуасини ишлаб чиқиш каби вазифалар аниқлаштирилган.

**Калит сўзлар:** педагогик инновация, касбий сўниш синдроми, инновацияларга қаршилик кўрсатиш, профессионал деформация, касбий ривожланиш.

**Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна**

Термезский государственный университет, исполняющая обязанности доцента  
Доктор философии по педагогическим наукам (PhD)

### **ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОПРОВОЖДЕНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ**

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы связанные с инновационной деятельностью преподавателей высших учебных заведений, сложности и барьеры возникающие в процессе профессиональной деятельности педагогических кадров. В представленной статье автор освещает один из наиболее сложных вопросов профессионального развития учителя в современной системы образования. В статье рассматриваются факторы, являющиеся специфическими стрессорами в педагогической деятельности и приводящие к дезадаптации и эмоциональному выгоранию педагога. Вместе с тем автор не только указывает на проблемные зоны в профессии современного учителя, но и предлагает пути в качестве решения этих проблем включение педагога в различные виды инновационной деятельности и создание комплекса мероприятий, направленных на развитие личностного роста педагога, позволяющие решить задачу повышения психологической культуры в образовательном пространстве.

**Ключевые слова:** педагогическая инновация, синдром профессионального выгорания, профессиональная деформация, сопротивление инновациям, профессиональное развитие

**Babakhodzhaeva Nargiza Mukhitdinovna**  
Termez State University, acting Associate Professor  
Doctor of Philosophy in Educational Sciences

## PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL SUPPORT OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF TEACHERS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

**Abstract.** The article deals with issues related to the innovative activities of teachers of higher educational institutions; difficulties and barriers arising in the process of professional activity of teaching staff. In the presented article, the author highlights one of the most difficult issues of teacher professional development in the modern education system. The article discusses the factors that are specific stressors in pedagogical activity and lead to maladjustment and emotional burnout of the teacher. At the same time, the author not only points out the problem areas in the profession of a modern teacher, but also suggests ways to solve these problems by including the teacher in various types of innovative activities and creating a set of measures aimed at developing the personal growth of the teacher, allowing to solve the problem of improving the psychological culture in educational space.

**Keywords:** pedagogical innovation, professional burnout syndrome, professional deformation, resistance to innovation, professional development



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N30>

**Кириш.** Инновацион таълим концепцияларини яратишнинг марказлари бўлган олий таълим муассасалари шахс креатив хусусиятларини ривожлантириш ва шакллантиришнинг оптимал усулларини излаш жараёнидадир. Жамиятдаги таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни қўллашга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжнинг ортиб бориши педагог кадрлар ўрни ва вазифаларининг глобал трансформациясига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат бир томондан, талабаларда профессионал маданиятни тарбиялашнинг юқори сифатини таъминласа, бошқа томондан, ўз-ўзини янги инновацион типдаги шахс сифатида англаш ва ривожлантиришга йўналтирувчи касбий сифатларни шакллантиришга имкон беради. Олий таълимнинг бугунги ривожланиш босқичида педагог индивидуал таълим маршрутини таъминловчи мураббий, инновацион ва креатив ғояларни илгари суриш имкониятига эга бўлган лидер, янги таълим лойиҳаларини мослаштирувчи ва илгари сурувчи ҳамда янги инновацион технологияларни, таълим платформаларини яратувчи новатор сифатида майдонга чиқади.

Илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий инновацион моделларини татбиқ қилиш давлат сиёсатини амалга ошириш олий таълим ўқитувчиси томонидан инновациялар аҳамиятини тўғри баҳолаш, ижодий қобилиятлар, юзага чиқарилмаган ва яширин ресурслар, имкониятларини фаоллаштириш, профессионал фаолиятда ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган мақсадларни ҳаётининг фаолиятнинг стратегик омили сифатида қабул қилиш каби шартлар бажарилган ҳолдагина мумкин бўлади. Ушбу вазифани амалга ошириш кўп ҳолларда ўқитувчиларнинг ўз ички шахсий ресурсларини фаоллаштиришга, вужудга келувчи муаммолар ноанъанавий ечимларини излаш эҳтиёжи ва имкониятлари билан ўз профессионал фаолиятини мукамаллаштиришга, таълимга инновацион ёндашувни

ижодий тарзда тушуниш ва амалга оширишга тайёрлиги билан аниқланади. Шахснинг ички имкониятлари билан реал маҳсулдор инновацион фаолият орасидаги қарама-қаршилиқни бартараф этишга имкон берувчи мақсадларни тўғри белгилаш қобилияти сифатида қаралувчи шахснинг инновацион потециали бундай ресурслардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, Х. Барнет, Ж. Бассет, Д. Гамильтон, Н. Гросс, Р. Карлсон, М. Майлз, А. Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гोनоболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш каби масалалар тадқиқ этилган. Инновацион фаолият педагогик маданиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида Н. Азизхўжаева, Е.В. Бондаревская, Н.А. Банько, С.Д. Муканова, Н.И. Наумкин, М. Очиллов, М.Тожиев, Б. Зиёмухамедов, Н. Сайидахмедовлар томонидан тадқиқ қилинган. Тарбия соҳасидаги инновацион жараёнлар Р.Ж. Ишмухамедов, А.А. Абдуқодиров, Р.А. Мавлонова; таълим муассасаларида инновацион муҳитни ташкил этиш масаласи У.Ш. Бегимқулов, Е.В. Киприянова; таълим жараёнига янгиликларни киритишдаги психологик тўсиқларни енгиш бўйича А.М. Хон, бўлажак ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича О.Р. Бадагуева, Г.Т. Мусабекова, М. Жуманиёзова, гуманитар олий таълим муассасасида инновацион таълим муҳитини шакллантириш бўйича В.П. Делия ишлари ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти, мазмуни, воситаларини аниқлашга асос бўлди.

**Натижалар.** Новатор-педагоглар олиб борувчи инновацион фаолият унумдорлигига уларнинг индивидуал шахсий сифатларининг таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар жараёнида субъектив омиллар янгиликларни қўллаш босқичида ҳам, оммалаштириш босқичида ҳам ўз таъсирини кўрсатиши аниқланган. Бу жараёнда новатор педагог ҳам муайян янгилик муаллифи, ҳам ижодкор ролида фаолият кўрсатади. Бу эса педагогик инновацион фаолиятнинг эффективлиги тўлалигича ўқитувчи шахсий ички потенциалининг ривожланиш даражасига, интеллектуал, ҳиссий ва ижодий қобилиятларига боғлиқ эканлигидан далолат беради. Демак, инновацион фаолиятни амалга ошириш учун педагогнинг юқори даражадаги ўз-ўзини ривожлантириш даражаси талаб этилади. Бу эса педагогик инновацион фаолиятни психологик қўллаб-қувватлаш тизимига ўқитувчилар шахсий ва ижодий потенциалини ривожлантириш дастурини киритиш зарурлигини тасдиқлайди. Ушбу дастурнинг мақсади педагог кадрларга таълим жараёнига инновацияларни қўллашда юзага келувчи тўсиқларни енгиб ўтишда ёрдам кўрсатишдан иборат. Педагогик инновацион фаолиятдаги муаммоларнинг психологик моҳиятини очиш нуқтаи назаридан А.Ф. Балакиревнинг бу борадаги фикри эътиборга молик. Унинг фикрича, педагог инновацион мақсадларга эришиш зарурияти билан яратилган имкониятларнинг чегараланганлиги орасида қарама-қаршилиқ мавжуд эканлигини англайди. [1, Б. 97-120]. Хўш, педагоглар инновацион фаолиятда қандай тўсиқларга учрайди? Бу борада И.Е. Пискарева томонидан ажратиб берилган муаммолар эътиборга сазовордир[2, Б. 16-27]:

- Педагогик (профессионал): ўз меҳнатининг юқори натижаларига интилишнинг, ижодкорлик қобилиятининг, янги ғоялар, педагогик технологияларни қўллашга қизиқишнинг мавжуд эмаслиги;
- психологик: ўз-ўзини мукаммаллаштиришга интилишнинг, педагогик инноватикага қизиқишнинг мавжуд эмаслиги;
- ижтимоий: меҳнат ҳақи, шароитларидан норозилик, касбий ўсиш учун имкониятларнинг чегараланганлиги.

Бундан кўринадики, юқорида санаб ўтилган психологик тўсиқларнинг кўпчилиги педагогларнинг шахсий-эмоционал соҳасига тааллуқли бўлиб, уларнинг оқибати сифатида вужудга келувчи “касбий сўниш синдроми” тўғрисида эслатиб ўтиш лозим.

**Муҳокама.** Жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шароитида замонавий ўқитувчининг нафақат касбий билим, малака, кўникмаларига, балки унинг шахсий ривожини, психологик ҳолатига ҳам юқори талаблар қўйилмоқда. Кўпчилик мутахассислар фикрига кўра, педагогик фаолият инсон шахсини энг кўп деформацияловчи касбий фаолият турларидан бири бўлиб ҳисобланади. [3, Б. 61]. Меҳнат ҳаққи миқдори ва шароитларидан қаноатланмаслик, таълим муассасаларининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги каби иқтисодий, шунингдек, жамиятда педагогик касб нуфузининг камайиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик муаммолар ўқитувчи меҳнатини фавқуллодда психоэмоционал зўриқиш билан кечишига олиб келади. Кўпчилик хорижий тадқиқотчиларнинг илмий натижалари ҳам ўқитувчилик касбининг юқори сессогенлиги тўғрисидаги фикрларни тасдиқлайди. Шунингдек, меҳнат стажининг ортиб бориши билан, педагог кадрлар психологик ва жисмоний соғлиги кўрсаткичлари пасайиб бориб, уларда психологик деформациянинг “касбий сўниш синдроми” деб аталувчи турининг пайдо бўлиши кузатилади. “Касбий сўниш синдроми” термини 1974 йилда америкалик психолог Х. Дж. Фрайденбергер томонидан таклиф этилган. Касбий сўниш синдроми – бу касбий фаолияти жараёнида инсонда ривожланадиган ҳиссий ва жисмоний ҳолдан тойиш, одамлардан бегоналашиш, шунингдек, профессионал режалар ва умидларнинг йўқолиши билан намоён бўладиган инсоннинг ўзига хос психологик ҳолати. Махсус адабиётларда ушбу психологик феноменнинг бир неча турли таърифлари келтирилган [4, Б. 6-13]. Ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланувчи инсонларда бу ҳолат айниқса ёрқин намоён бўлади. Педагог характеридаги ушбу салбий ўзгаришлар унинг касбий фаолиятига халақит беради, ўзаро мулоқотини қийинлаштиради [5, Б. 83-86]. Бугунги кунда педагог-кадрлар орасида ўз касбини моҳир устаси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган шахслар қаторида касбидан зеркиш, совиш ҳолатлари ҳам учраб туриши сўнги вақтларда кўплаб ижтимоий фан вакиллари эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Ваҳоланки, педагог кадрларда касбий сўниш синдромининг вужудга келишини олдини олишнинг эффектив чораларини излаш замонавий психологик-педагогик назария ва амалиётининг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда замонавий таълим тизими педагогик жараёнга инновацион технологияларни фаол қўллаш орқали характерланади. Бу жараёнда педагогларнинг тизимли янгиланишларни қабул қилишга психологик жиҳатдан тайёрлиги энг муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу масалани тадқиқ қилиш доирасида Термиз давлат университети Ахборот технологиялари факультети педагог ходимларининг ўз-

ўзини касбий ривожлантиришга бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида ўтказилган статистик сўров натижалари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал). Ушбу сўров иштрокчилари ўз муносабатларини билдиришда қуйидаги мезонга асосландилар: жадвалда келтирилган мулоҳазаларнинг ўзларига тааллуқлилиқ даражасини балл кўринишида ифодаландилар (5 - ушбу мулоҳаза сизнинг фикрингизга тўлиқ мос келади; 4 – деярли мос келади; 3 - ҳам ха, ҳам йўқ; 2 – хадан кўра йўқ; 1 - мос келмайди).

1-жадвал

### Педагог ходимларнинг ўз-ўзини касбий ривожлантиришга бўлган муносабати

№	Баллар (%)					Педагогнинг ўз-ўзини касбий ривожлантиришга муносабати белгилари
	1	2	3	4	5	
1	2,5	7,5	12,5	37,5	40	Мен ўзимни ўрганишга интиламан
2	2,5	0	32,5	37,5	27,5	Қанчалик банд бўлмайин, ривожланиш учун вақт топаман
3	10	12,5	27,5	32,5	17,5	Пайдо бўлган тўсиқлар менинг фаолиятимни рағбатлантиради
4	15	10	22,5	27,5	25	Мен тескари алоқа излайман, чунки бу менга ўзимни билиш ва баҳолашга ёрдам беради
5	0	7,5	30	32,5	30	Мен ўз фаолиятим ҳақида фикр юритаман, бунга алоҳида вақт ажратаман
6	2,5	2,5	22,5	25	42,5	Мен ҳис-туйғуларимни ва тажрибаларимни таҳлил қиламан
7	0	2,5	27,5	47,5	22,5	Мен кўп ўқийман
8	2,5	5	15	37,5	40	Мени қизиқтирган масалаларни кенг муҳокама қиламан.
9	2,5	2,5	12,5	30	52,5	Мен ўз қобилиятларимга ишонаман
10	2,5	0	17,5	40	40	Мен очикроқ инсон бўлишга интиламан
11	0	5	47,5	27,5	20	Атрофимдаги одамларнинг менга таъсирини биламан
12	5	2,5	10	30	52,5	Мен ўз касбий ривожланишимни бошқараман ва ижобий натижаларга эришаман
13	0	2,5	10	22,5	65	Мен янги нарсаларни ўрганишни ёқтираман
14	2,5	5	22,5	37,5	47,5	Масъулиятнинг ортиши мени чўчитмайди

Жадвалда келтирилган рақамларни умумлаштириб, қуйидагилар хулосаларга эга бўлдик: ўзини ўрганишга интилувчи, ўзгалар билан фаол мулоқотга киришишга ҳаракат қилувчи респондентлар 77-80 фоизни, доимо ўз устида ишлашга вақт ажратувчи, кўп мутоала қилувчи, касбий тажрибаларини таҳлил қилувчи ва янгиликларни қўллаб-қувватловчилар 65-67 фоизни, ўз қобилиятларига ишонувчи, ўз касбий ривожланишини бошқарувчи, масъулиятнинг ортиб боришидан чўчимайман деб ҳисобловчи педагоглар 82-85 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, 50 фоиз ўқитувчилар иш жараёнида юзага келувчи тўсиқлар касбий фаолиятларига салбий таъсир кўрсатишини, 47-52 фоизи атрофдаги муҳитнинг таъсирини сезмасликларини, тескари алоқа изламасликларини билдирдилар. Бу катта нисбат эканлигини тан олишимиз керак. Шунингдек, масъулиятнинг ортишига, янгиликларга бефарқ, ўз устида етарли даражада ишламайдиган, ўз қобилиятига, ижобий натижаларга ишонмайдиган ходимларнинг кичик фоизда бўлса-да, мавжудлиги бу борадаги муаммоларнинг долзарблигини тасдиқлайди. Бошқа томонидан, педагог шахсининг ижодий потенциалини фаоллаштирувчи инновацион фаолиятнинг ўзи касбий сўниш синдромининг вужудга келишини олдини олувчи муҳим омил сифатида хизмат қилиши мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу номутаносибликни бартараф этишнинг йўли - ҳам педагогик кадрларни инновацион фаолиятда психологик қўллаб-қувватлаш

муаммосини ҳал этувчи, ҳам эмоционал сўнишнинг олдини оловчи профилактик чоралар ишлаб чиқишдан иборат.

**Хулоса.** Олий таълим педагог кадрларининг инновацион фаолиятида юзага келувчи муаммоларни бартараф этишда ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, шахсий ва касбий ўсишга интилувчанликларини мотивациялаш, уларнинг инновацион фаолиятдаги ижодий потенциалини фаоллаштиришга қаратилган махсус методик, психологик-педагогик дастурларларнинг яратилиши мақсадга мувофиқ. Қуйида келтирилган илмий-услубий вазифалар олий таълим муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолияти муваффақиятини таъминловчи омиллар сифатида эътироф этилиши мумкин:

- олий таълим муассасалари педагог кадрлари амалга оширувчи инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- олий таълим муассасалари педагог кадрлари психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг моҳияти, таркиби ва вазифаларини тавсифлаш;
- олий таълим муассасалари педагог кадрлари инновацион фаолиятини психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш моделини ишлаб чиқиш ва асослаш;
- олий таълим муассасалари педагог кадрлари инновацион фаолиятини ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва асослаш;
- олий таълим муассасалари педагог кадрларининг муваффақиятли инновацион фаолиятини таъминловчи воситалар мажмуасини (шакл, усул, технологилар) ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Олий таълим педагог кадрларининг инновацион потенциалини ривожлантириш муаммоси мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ва жамият ҳаётидаги ўғаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши тез ўзгарувчан ва ижтимоий буюртмага очиқ таълим тизими муҳитида ўз-ўзини ривожлантиришга тайёр, ўз профессионал бурчини, касбий фаолиятини муҳим приоритет сифатида қабул қилувчи, доимий қайта тайёргарликка ва янгиланишга тайёр турувчи бугунги кун педагогини тарбиялашга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Балакирев А.Ф. Затруднения учителей в инновационной деятельности: Дис. ... канд.пед. наук. Шуя, 2000.
2. Пискарева И.Е. Формирование готовности будущих учителей к инновационной деятельности: Дис. ... канд. пед. наук. Кострома, 2000.
3. Гнездилова О.Н. Психологические аспекты инновационной деятельности педагога//Психологическая наука и образование, 2006, №.4 С. 61-65
4. Чикарёва Е.А Синдром профессионального (эмоционального) выгорания в педагогической среде. Типография КГБ ПОУ ХПЭТ, 2018. -31 с.
5. Неруш Г. Профессиональное выгорание как форма профессиональных деструкций. Известия Саратовского университета. 2012. Т. 12. Сер. Философия. Психология. Педагогика, вып. 3.



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).